| | |
|---|---|
| **«ТАСДИҚЛАНГАН»**<br>Чет эл капитали иштирокидаги «Hamkorbank»<br>акциядорлик тижорат банки<br>Кузатув Кенгаши Раиси<br>И.И.Ибрагимов<br><br>(Банк Кигашининг 26- сонли 30 январь 2015йил<br>куни Қарори)<br>М.Ў. | **«КЕЛИШИЛГАН»**<br>**Ўзбекистон Республикаси**<br>**Марказий банки**<br>**Раиси биринчи ўринбосари**<br>**У.М.Мустафоев**<br><br>«16» __________ 2015 й.<br>М.Ў. |

**«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»**
Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш
ва ривожлантириш маркази

Бош директори В. А. Атаханов
29-июл 2015 й. 15-07/131 -сон 15-07/131
М.Ў.

Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази томонидан 2014 йил 31 декабр куни РО249-18 сон билан рўйхатдан ўтказилган Чет эл капитали иштирокидаги «Hamkorbank» акциядорлик тижорат банки қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига киритилаётган ўзгартиришлар

**МАТНИ**

| Амалдаги таҳрир | Янги таҳрир |
|---|---|
| Бош сахифа<br>*Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз шаклдаги номинал қиймати 138 (Бир юз ўттиз саккиз) сўм бўлган, 70 000 000 (Етмиш миллион) дона оддий акциялар.* | Бош сахифа<br>*Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз шаклдаги номинал қиймати 138 (Бир юз ўттиз саккиз) сўм бўлган, 59 447 453 (Эллик тўққиз миллион тўрт юз қирқ етти минг тўрт юз эллик уч) дона оддий акциялар.* |
| 4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **70 000 000 дона;** | 4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **59 447 453 дона;** |
| 5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм):<br>**9 660 000 000сўм;** | 5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм):<br>**8 203 748 514сўм;** |

Эмитент раҳбари ________ Туражанова Олмахон Юсупжановна

Эмитент бош бухгалтери ________ Ўрмонова Феруза Нумоновна

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
DAVLAT RAQOBAT QO'MITASI

QIMMATLI QOG'OZLAR
BOZORINI MUVOFIQLASHTIRISH
VA RIVOJLANTIRISH MARKAZI

THE STATE COMPETITION COMMITTEE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

CENTER FOR COORDINATION
AND DEVELOPMENT
OF SECURITIES MARKET

100047, O'zbekiston, Toshkent, Buxoro ko'chasi, 10 — 10, Bukhoro str., Tashkent, Uzbekistan, 100047

Tel.: 998 (71) 236-06-35 Fax: 998 (71) 232-07-31 www.csm.gov.uz www.openinfo.csm.gov.uz e-mail: info@csm.gov.uz

"____"______________201__ y. №______________

**ҚАРОР** 15-07/131 «29» июля 2015 йил

Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази Chet el kapitali ishtirokidagi «Hamkorbank» aksiyadorlik tijorat banki кенгашининг 2015 йил 30 январдаги мажлиси қарорига, Марказ Қимматли қоғозлар чиқарилувлари ягона давлат реестрини юритиш бошқармасининг 2015 йил 29 июлдаги 07-21/241-сонли билдиришномасига ҳамда 2009 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000-рақам билан рўйхатга олинган Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларининг 92-бандига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**1.** Chet el kapitali ishtirokidagi «Hamkorbank» aksiyadorlik tijorat bankининг жойлашмаган акциялари бекор қилиниши муносабати билан Марказ томонидан 2014 йил 31 декабрда P0249-18-рақам билан давлат рўйхатига олинган акциялар чиқарилувига ўзгартиришлар киритиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

- ариза;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан 2014 йил 5 декабрда 64-рақам билан рўйхатга олинган банк уставининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан 2015 йил 29 июнда 64-1-рақам билан рўйхатга олинган банк уставига киритилган ўзгартиришларнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- аввал рўйхатга олинган акциялар чиқарилувига киритилган ўзгартиришлар матни (3 нусха);
- банк кенгашининг 2015 йил 30 январдаги мажлисининг 26-сонли баённдан кўчирма;
- ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказиш бўйича ҳужжатларни кўриб чиқиш учун Марказга белгиланган йиғим тўланганлиги тўғрисидаги 2015 йил 23 мартдаги 30-сонли тўлов топшириқномасининг асл нусхаси;
- Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига 2015 йил 30 январда берилган акциялар ҳаракатини тўхтатиш тўғрисидаги 182/02-0203-сонли билдиришнома нусхаси;
- тақдим этилган ҳужжатлар рўйхати.

**2.** Chet el kapitali ishtirokidagi «Hamkorbank» aksiyadorlik tijorat bankining жойлашмаган акциялари бекор қилиниши муносабати билан Марказ томонидан 2014 йил 31 декабрда P0249-18-рақам билан давлат рўйхатига олинган акциялар чиқарилувига киритилган ўзгартиришлар матни давлат рўйхатига олинсин.

Марказ томонидан 2014 йил 31 декабрда P0249-18-рақам билан давлат рўйхатига олинган акциялар чиқарилувига асосан чиқарилган номинал қиймати 138 сўм бўлган 9 660 000 000 сўмлик 70 000 000 дона оддий акциялардан 1 456 251 486 сўмлик 10 552 547 дона оддий акциялар бекор қилинсин ва жами 8 203 748 514 сўмлик 59 447 453 дона оддий акциялар муомалада қолдирилсин.

**3.** Марказнинг Қимматли қоғозлар чиқарилувлари ягона давлат реестрини юритиш бошқармасига:

- Марказ томонидан рўйхатга олинган Chet el kapitali ishtirokidagi «Hamkorbank» aksiyadorlik tijorat bankining аввал рўйхатга олинган акциялар чиқарилувига ўзгартиришлар киритилганлиги муносабати билан Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестрига тегишли ёзувлар киритиш;
- ушбу қарорнинг бир нусхасини Chet el kapitali ishtirokidagi «Hamkorbank» aksiyadorlik tijorat bankiга, бир нусхасини Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига маълумотлар базасига тегишли ўзгартириш киритиш учун тақдим этиш топширилсин.

**4.** Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Марказнинг Қимматли қоғозлар чиқарилувлари ягона давлат реестрини юритиш бошқармасига юклатилсин.

**Бош директор** **Б. Атаханов**